

МАЪРИФАТ ЙЎЛИ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

Салимова Муборак Каримовна

Тарих фани уқитувчиси Чуст тумани 19- мактаб

Ҳар қандай адашиш, ғоясизлик, эътиқодсизликнинг сабаби, албатта, жаҳолатдир. Жаҳолат деганда билимсизлик, тафаккурнинг саёзлиги тушунилади. Жаҳолатга қарши маърифат қуролимиз бўлмоғи учун, аввало оилалардан ана шу жаҳолат сабабларини, кундалик ҳаётимиздаги баъзи муаммоли масалаларни қидирмоқ лозим.

Бундай муаммоларни ҳал қилиш оилашунос, маънавиятшунос, файласуф, ижтимоиётчи олимларнинг, умуман, Ватанимизнинг фикрловчи барча фуқароси олдида турган вазифадир. Зеро, оилага бўлган муносабат ҳақида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаган - “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз оиламизнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, инсонларнинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади”[1]. Мустақиллик туфайли эл-юртимиз фаровонлиги ва равнақига бўлган кучли интилиш жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ислоҳотлар, ўзгариш ва туб бурилишлар ясамоқда.

Ўзбекистон Конституциясининг XIV боби “Оила” деб номланган. Конституция асосида Ўзбекистон Республикаси Оила муносабатларини тартибга солувчи ягона тизимга келтирилган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 1998 йил 30-апрелда қабул қилинди. Никоҳ ва оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи асосий манбалардан бири бўлган Оила кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги 608-І-сон қарорига мувофиқ ўша йилнинг 1 сентябридан эътиборан амалга киритилди. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси икки қисмдан: умумий ва махсус қисмлардан иборат. Айнан ана шу ўзгаришлар туфайли шу кунда энг этиборга муҳтож соҳалар кўзга ташланиб қолмоқда, бу айниқса, оила ҳаётига тааллуқлидир.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, албатта, маълум бир оиланинг ҳам аъзосидир. Ижтимоий ҳаётда қандай мавқе ва дунёқарашга эга бўлишимиздан, ҳоҳишимиздан қатъи назар, ҳар биримиз ўз оиламиз тузумига, тугунига шу даражада боғлиқмизки, ана шунинг оқибатида оилалар, маҳаллалар ҳаёти ва дунёқарашини охир-оқибатда бутун юртимиз ҳаётига кучли таъсир кўрсата олди.

Бу фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, оила тузумига, тарбиясига чуқур эътиборни қаратиб, таҳлил ва тадқиқотлар ўтказмоқ, керакли таклиф, тавсиялар ишлаб чиқмоқ шу бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Аввало, ҳар

бир хонадонда соғлом оилавий муҳит яратмоғи, бунинг учун оила муаммолари ўрганилмоғи лозимдир. Оилада соғлом маънавий муҳитнинг йўқлиги; авлодлар, ота-она, қайнона-келин, ака-укалар орасида ҳурмат ва иноқликнинг мавжуд эмаслиги, майда-чуйда оилавий можароларнинг кучайиши оқибатида ёшларнинг оиладан беизб ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиши рўй беради.

Иккинчидан, маънавий муҳит соғлом бўлмаган оилада меҳнатга ва даромадга муносабат нотўғри ўрнатилган бўлиб, баъзи ёшларда боқимандалик кайфияти ҳукм суради ва меҳнатга бўйин бермаслик оқибатида фарзандлар беиш, беташвиш юриб ҳар хил оқимлар таъсирига тушиб қолади.

Учинчидан маънавий муҳит соғлом бўлмаган оилада авлодлар алоқаси ва муносабатлари ҳам носоғ бўлиб, катталарнинг обрўси, кичикларнинг ўзаро иззати мавжуд бўлмайди ва бунинг натижасида улар ўртасида ғоялар тўқнашуви содир бўлади. Тўртинчидан оиладаги носоғлом муҳит оқибатида ота-боболари касбини қадрламаслик, даромад манбаи сифатида бошқа ноқонуний йўлларни қидириш, касбий эътиқоднинг йўқолиши ва касбга нотўғри йўналтирилганлик ҳоллари келиб чиқади. Ана шунга ўхшаш кўплаб сабабларни санаш мумкинки, буларнинг ёнига нотўғри йўналтирилган тарбия, ва маърифатсизлик кўшилганда юқорида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқади.

Оила соғломлиги ва фаровонлиги жамиятда тинчликни, давлат ривожланишида барқарорликни таъминлашнинг гаровидир. Маълумки, шахс оилада ривожланади, камол топади. Мустақил республикамиз келажагига ўз ҳиссасини қўшадиган инсон энг аввало оилада тарбияланади. Оила, никоҳдагиларнинг ўртасида аҳиллик бўлсагина мустаҳкам бўлади. Зеро, Л.Толстой таъкидлагандек: “барча бахтли оилалар бир-бирига ўхшайди, ҳар бир бахтсиз оиланинг бахтсизлиги эса фақат ўзига ҳосдир”. Миллий хавфсизлигимизни таъминлашда бизнинг тутадиган йўлимиз муҳим аҳамиятга эга.

Оилавий тарбиядан нафақат маърифатли, шунингдек, фуқаролар эътиқодий поклиги, тафаккур теранлигини шакллантиришда ҳам кенг фойдаланмоқ лозимдир. Пок инсоний туйғулар асосига қурилган оилавий муносабатлар, кучли билим, ватанпарварлик эътиқоди шаклланган оилалардан жамиятпарвар, ҳалқпарвар фарзандлар ўсиб чиқиши- айна ҳақиқат. Ан шунга эришмоқ учун барча имкониятларни ишга солмоқ даркордир. Бунинг учун ҳалқимиздагис илмга чанқоқлик ва интилишни тўғри йўлга солиб, мутаассибликнинг турли кўринишлари моҳиятини ҳалққа очиб бермоқ; диннинг тўғри, асл вазифаси инсониятни тўғри йўлга йўллаш эканлигини, инсонлар ўртасига нифоқ солиш, низолар келтириб чиқариш, ўз манфаатлари йўлида ҳали иймонэътиқоди тўлиқ шаклланмаган норасидаларини йўлдан урмоқ ҳеч қайси динда ҳам йўқ эканлигини ёшлар онгига сингдирмоқ; ота-онанинг фарзанд олдидаги обрўсини тиккалашга, фарзандлари зиммасидаги мажбурият ва бурчларини англашга эришмоқ маърифат йўлидир.

Ана шу муносабатлар изга тушган жойдан бошлаб ёт ғояларнинг кириш эшиклари беркилиб, фарзандларимиз ота-онам ким, бизнинг миллий ғоямиз қандай, мен дуч келган янги ақида менинг ота-онам, оилам, юртим манфаатларига мос келадими, менинг ҳозир босмоқчи бўлган қадамимдан элимга қандай наф ёки зарар бўлиши мумкин, деган саволларни кўя бошлайди. Ана шу саволларни кўйиш зарурати унинг ўз истиқболини, ака-укалари ва оиласи истиқболини, оҳир-оқибатда, Ватанини, юрти истиқболини белгилашини англашдан келиб чиқади. Фикрлаш бошланган жойда ҳамма ўз фойда-зарарини ажратиб олади. “Энг катта бахт, мен буни минг марта қайтаришдан чарчамайман, оиламиз тинч бўлсин! Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади.

Ўша бахтли кунларни, ватанимизнинг, ёшларимизнинг камолини ҳозир ният қилаётганимиз каби кўриш ҳаммамизга насиб этсин!” [2],—дея таъкидлаган Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев. Мустақиллик йилларида оиламизга ана шу меҳр, маънавият қайтди. Оила педагогикаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар буни тасдиқламоқда. “Сўнги йилларда оилани мустаҳкамлаш, тўлиқсиз, норасо оилалар сонини камайтириш борасидаги ишлар самараси ўлороқ, никоҳ бузилиши икки баробар камайди. Агар 1000 нафар аҳоли сонига 1989 йилда бу кўрсаткич 1,5 коэффицентни ташкил қилган бўлса, ҳозирда 0,6 ни ташкил этади. Бу ҳамдўстлик мамлакатлари орасидаги энг яхши кўрсаткичдир” [3].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч -Тошкент. “Маънавият” 2008-52-бет.
2. <https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-oila-kichik-vatan>.
3. Ш.Мирзабеков, Ш.Алиев. Ўзбекистон Республикаси конституциясида оила институтининг ҳуқуқий асослари. Илмий-оммабоп рисола. Тошкент 2012, 25-б.